

Л.Н.Синельникова перифразалар 4 хил усул билан ҳосил бўлишини таъкидлайди:¹

1. Мантиқий усулда: *дала маликаси – маккажўхори*.
2. Синекдоха усулида: *шоҳли саркарда – Искандар Зулқарнайн*.
3. Муаллифлик усулида: *Америка кашфиётчиси – Христофор Колумб*.
4. Номлаш ва экспрессивликни ошириш усули билан: *сариқ сочли бола – тўлин ой*.

Бундан ташқари, тилшуносликда перифразаларнинг метонимик перифразалар (*оқ халатлилар – ҳамширалар*), эвфемистик перифразалар (*ўлмоқ – боқий дунёга кетмоқ*), дисфемистик перифразалар (русларда *ўл – қутида ўйна*; ўзбекларда – *атрофингга гул экай*), анъанавий перифразалар (*эр ёки хотин – жуфти ҳалол*) ва муаллифлик перифразалари (*адолат тимсоли – президент*) каби турлари ҳам фарқланади.

Шу ўринда, муаллифлик перифразаси деб алоҳида таснифлашга қанчалик эҳтиёж бор? Ҳар бир тасвирий ифоданинг яратувчиси яқка шахс ҳисобланади. Вақт ўтиши билан, бу бирлик эҳтиёжга кўра оммалашади. Шунинг учун муаллифлик перифразаси турига алоҳида ажратиш ноўрин бўлади.

Бу каби таснифлар перифраза ҳосил бўлишининг усуллари тўлиқ очиб бера олмайди. Маълумки, перифраза образли кўчимдир. Кўчим асосида шакллантирилган перифразалар ҳам нутқимиз беага ҳисобланади. Бундай перифразалар эса метафора (*ер олмаси, ўрмон санитар*), метонимия (*оқ халатлилар*); синекдоха (*кўзнинг оқу қораси*) усулида кўчирилади.

Шуни ҳисобга олган ҳолда таснифни 2 турга, яъни мантиқий ва кўчириш (метафора, метонимия, синекдоха) асосида ҳосил бўлган перифразаларга ажратиш лозим. Мантиқий усулда ҳосил бўлган перифразалар нутқимизнинг асосий қисмини ташкил қилади. *Ҳазил мулкининг султони, ўрмон маликаси, ҳаёт эликсири* ва бошқалар.

Перифразалар, компонентига, кўра икки ва уч (ундан ортик) компонентли перифразага бўлинади.² Москвиннинг фикрича, перифраза камида икки компонентдан иборат бўлиши керак. Масалан, *осмон тирноғи – ой*.

Перифразаларни мумтоз адабиёт доирасида текшириш ниҳоят даражада муҳим бўлиб, бунда нафақат маъноси мавҳум бирликларни изоҳлаш, балки тегишли даврга оид нутқий материалларнинг қийматини белгилаш имкони юзага келади. Классик асарларда қўлланилувчи тасвир воситалари ўзининг фалсафий ва диний аспектда изоҳланиши билан бугунги кун перифразаларидан фарқланади, ушбу лингвистик ҳодисанинг моҳиятини намоён этиш ҳам долзарб масалалардан ҳисобланади.

Лайло Раупова (Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университети) ҚЎШМА ГАП ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИНИНГ ДИАЛОГИК ДИСКУРСДА ИФОДАЛАНИШИ

Аннотация. Мақолада қўшма гап таркибий қисмларининг диалогик дискурдаги ифодаланиши, боғловчи воситалар, полипредикатив бирликларнинг таркибий қисмлари ва уларнинг мазмуний муносабатлари илмий манбаалар билан ёритилган. Полипредикатив бирликларни ташкил этувчи содда гаплар орасидаги мавжуд маъновий муносабатлар, ушбу муносабатларнинг мулоқот вазиятидаги таъсири масалалари таҳлилга тортилган.

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы выражения компонентов сложного предложения в диалогическом дискурсе, связующие союзы, составляющие полипредикативных единиц и их значимые отношения. Анализируются существующие лингвисти-

¹ Синельникова Л. Н. К вопросу о сущности перифразы как функционально-семантической единицы. М., 1972, с. 304.

² Москвин В. Выразительные средства современной русской речи: тропы и фигуры. Общая и частные классификации. Терминологический словарь. М., "Ленанд", 2006, с. 376.

ческие отношения между простыми словами, составляющими полипредикативные единицы и последствия этих отношений в общении.

Annotation. In the article, the expression of constituent parts of compound sentences in dialogical discourse, connecting objects, constituent parts of poli-predicative units and their semantic relations were illustrated with the help of scientific sources. Semantic relations between simple sentences forming poli-predicative units, problems of influences of these relations on speech condition were analyzed.

Калим сўзлар: диалогик дискурс, полипредикатив бирликлар, мулоқот вазияти, матн тилишунослиги, адресант, амалий тилишунослик.

Ключевые слова: диалогический дискурс, полипредикативные единицы, ситуация речевого общения, текстовая лингвистика, адресант, практическая лингвистика.

Key words: dialogical discourse, poli-predicative units, speech condition, text linguistics, addresser, practical linguistics.

Лингвистик нуқтаи назардан, тенг таркибли полипредикатив бирликлар, унинг таркибий қисмлари саналмиш содда гап кесимларининг ҳар бири мустақил шаклланган бўлиб, уларни осонгина алоҳида содда гапларга айлантириб юбориш мумкин. Бундай кўринишли гапларда мустақил кесимлик шаклидаги гаплар бирлаштирилади. Бирлашиш интонацион ва мазмуний омиллар асосида, кўп ҳолларда, боғловчилар воситасида амалга оширилади. Масалан: 1. – *Тухмат қилманг, мен Оллоҳнинг каломини пулга сотадиганлардан эмасман* (Т.Малик. “Шайтанат”). 2. – *Энди! Козимбек кўнмаётибди-ку, лекин, барибир, кузда тўй қиламиз* (А.Қаҳҳор. “Синчалак”). 3. – *Ўзим олиб келганимда камчиликлари кўрсатилар эди ва бу кўрсатмаларнинг кейинги ишларим учун катта ёрдами тегар эди* (А.Қаҳҳор. “Сароб”).

Тенг муносабатли полипредикатив бирликларнинг қисмларини боғловчи воситалар қандай тил бирликларини ташкил қилишидан қатъий назар, улар полипредикатив бирлик қисмларини боғлаш билан бирга, гапнинг турли нолисоний омиллар билан боғланган мазмуний муносабатларини шакллантиради. Профессор Ғ.Абдурахмонов бундай гапларнинг мазмуний муносабати қуйидагича бўлишини қайд қилган: 1) қиёсий муносабат; 2) пайт муносабати; 3) айирув муносабат; 4) сабаб ва натижа муносабати; 5) изоҳлаш муносабати.¹ Профессор М.Асқарова эса бундай гапларнинг мазмуний муносабатини сабаб, пайт, чоғиштириш, зидлаш, айириш ва инкор муносабатларда шаклланишини кўрсатади.²

Гаплараро мазмуний муносабатларнинг турли олимлар томонидан турлича тасниф қилиниши мазкур бирликларнинг турли лисоний ва нолисоний омиллар қуршовида турлича “товланиши” дир.

Демак, юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, мулоқот вазияти ҳамда турли лисоний бирликларнинг ўзаро таъсири туфайли тенг таркибли полипредикатив бирликларни ташкил этувчи содда гаплар орасида турли маъновий муносабатлар мавжудлигини қайд этиш лозим. Улардан айримларига диққат қиламиз:

- а) узилишли бирин-кетинлик;
- б) узилишсиз бирин-кетинлик;
- в) пайт муносабати;
- г) натижа муносабати;
- д) сабаб муносабати;
- е) чоғиштириш муносабати ва ҳоказо.

Бу муносабатлар, айтилганидек, ҳар бир гапнинг таркибидаги кесимлар, қўлланган боғловчи воситаларнинг маъно ва вазифалари каби, лисоний, мантиқий омиллар ва муло-

¹ Абдурахмонов Ғ. Қўшма гап синтаксиси асослари. Т., ЎзФА, 1958, 27–78-бетлар; Шу муаллиф. Ўзбек тили грамматикаси. Т., “Ўқитувчи”, 1996, 164-бет.

² Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т., “Ўқитувчи”, 1987, 164 – 170-бетлар.

кот вазияти каби прагматик таъсирлар билан боғлиқ бўлиб, бевосита синтактик структурага дахлдор эмас. Улар коммуникантларнинг мақсад ва интилишлари, прагматик вазият ва нутқ шароитига боғлиқ равишда шундай аҳамият касб этади. Диалогик дискурда учрайдиган тенг муносабатли полипредикатив бирликларнинг семантик хусусиятларини фарқлашда лисоний асосдаги икки омил – оҳанг ва боғловчи воситалар муҳим аҳамият касб этади. Бундай полипредикатив бирликларда воқеа-ҳодисаларнинг юзага келиш вақти кўрсатилади ёки улар бир-бирига чоғиштирилади: 1. *Марғуба туриб-туриб: – Адабиётни эмас, адабиёт ўқитувчисини яхши кўраман. Чунки у киши “кўп сўзнинг ози яхши, оз сўзнинг ўзи яхши” деб уқдирадидлар* (А.Қаҳҳор. “Муҳаббат”). Бунда чоғиштириш мазмуни лисоний моҳиятга эга, бироқ синтактик эмас. Зеро, *оз* ва *кўп* сўзларининг зидлиги ва адресантнинг мулоқот интенцияси асосида ушбу мазмун намоён бўлган. 2. – *Оёқ югуриги ошга, тил югуриги бошга. Эҳтиёт бўлинг, – деди Раҳимжон* (А.Қаҳҳор. “Муҳаббат”). Мазкур мисолда ҳам шундай ҳолатни кўриш мумкин.

Баъзан бир вақтнинг ўзида юзага келган воқеаларнинг бири бошқасидан ажратиб кўрсатилади: 1. – *Фурқатнинг ўлими Малоҳатни икки буклаб қўйди. Бу жудоликка чидай олмай, у ҳам ўлиб кетиши мумкин эди, лекин кундан-кунга янаям кўркамлашиб, ширин бўлиб бораётган Паризод унинг ҳаётини сақлаб қолди* (Э.Худойбердиев). Объектив воқеаликда бўлмаган зидлик ҳолати гапда лисоний зидлик мазмунида намоён бўлган.

Коммуникация оқимида кетма-кет юзага келган воқеа-ҳаракатни ифодаловчи қисмларнинг феъл кесимлари бир хил шаклда ва ҳар хил шаклда ҳам қўлланилиши мумкин: 1. – *Кўя бер, яна бироз синаб кўрайлик, – деди секин у томонга юзланиб* (Ойбек). 2. – *Сизлар овқатгача дам олинглар, қолган гапни кейин гаплашамиз, – деб чиқиб кетди Саидий* (А.Қаҳҳор). Бунда коммуникантларнинг ўзаро муносабати асосида гап марказларидаги тафовут юзага чиққан.

Кетма-кет юзага келган ҳаракат ҳали бажарилмаган, эндигина мўлжалланган бўлиши мумкин: 1. – *Кекса овора бўлмасин, ўзимиз бора қолайлик, – деб ўрндан турди* (Ойбек). Бунда ҳам иш-ҳаракат бажарувчиларининг турли шахслигидан иборат нолисоний омил кесим шакллариининг турличилагини келтириб чиқарган ва унга мувофиқ равишда гап мазмуни намоён бўлган.

Диалогик дискурда учрайдиган айрим полипредикатив бирликлар иккитадан ортик қисмдан ташкил топганда, улардаги охириги қисм яқунлаш, хулосалаш маъносини юзага чиқаради: 1. – *Сиз Олахўжа билан, биз Абдурасул билан: ҳар ким ўз тенги билан, – деди-да, чиқиб кетди* (П.Турсун). 2. – *Таишиш бир келса, бирваракай келар экан-да, аёл ҳамдардлик билдирган бўлди, сизнинг бахтингизга онангиз яшаб турсалар бўлар эди. Тақдир экан-да* (Э.Худойбердиев). 3. – *Кимлар учундир бахт бор экан-у, менга қолганда тугаб қолибди, – Гулбодомнинг ранги оқаринқиради, шунинг учун бир умр бахтсиз ўтмай деб ўзим уни қидириб топмоқчиман* (Э.Худойбердиев). Жойлашув омили охириги гапга шундай мақомни берувчи прагматик омилдир.

Пайт маъносини ифодалаганда полипредикатив бирликнинг биринчи қисми кейинги қисмдаги воқеа-ҳодисанинг бажарилиш пайтини кўрсатиб келади: 1. – *Бошим бутун – яхшилигингизни унутмайман, ўз отам каби ёдлайман* (Ойбек).

Диалогик дискурда учрайдиган айрим полипредикатив бирликларнинг юзага келишида прагматик “тўйинган” тенг боғловчилар муҳим роль ўйнайди, натижада улар бириктирув, чоғиштириш, айирув, зидлаш ва инкор каби ситуатив маъноларни юзага келтиради. Уларни мисоллар асосида кўраемиз: 1. – *Гап мажлиси – каъба уйи, унда нима гуноҳ қилинса, гуноҳ дафтарига ёзилмайди, аммо гап шу ерда қолиши керак, бу шарт, – деди бир сафар Ёқубжон суяк кемираётди* (А.Қаҳҳор. “Сароб”). 2. – *Хужрангиз кўп дилкаш экан-у, битта этажерка етишмайди* (А.Қаҳҳор). 3. – *Ё мен борай, ё сиз келинг, – деб дўқ қилди Лаълихон* (Д.Нурий. “Бегона”). 4. – *Бу вазифани хоҳ ўзингиз бажаринг, хоҳ бировга топширинг, – деб эшикни “тарс” этиб ёнди Йигитали* (Д.Нурий. “Бегона”). 5. *Мир-*

за Муҳиддин хижолат бўлиб, гапни бошиқа ёққа бурди: Унинг қулогига на булбулнинг овози киради, на кўзига уйқу келади (А.Қаҳҳор). 6. – Майли сиз кетинг, бу шаҳардан ёки биз кўчиб кетамиз (А.Қаҳҳор). 7. – На адреси бор, на фамилияси, на почта муҳири (Асқад Мухтор).

Тенг муносабатли полипредикатив бирликларнинг таркибий қисмлари тобеланиш оҳанги орқали ҳам бирикади. Бундай ҳолларда диалогик полипредикатив бирликлар қуйидаги ситуатив маъноларни юзага келтиради:

1) шарт мазмуни:

1. – **Бировга айта кўрманг – икковимиз ҳам балога қоламиз** (С.Аҳмад). 2. Э, кўйинг бунинг ўзи ким-у сўзи... Бунақаларни **“ўзи юзсиз – сўзи тузсиз”** дейдилар (Д.Нурий).

2) пайт мазмуни: – **Арава нотинч бўлди – қўшқулоқдаги сут чайқалади, тўкилади** (А.Қаҳҳор).

3) тўсиқсизлик мазмуни:

1. – **Этларимни ништар билан тилсинлар, хонумонимга ўтлар қўйсинлар, бошимда тегирмон тоши юргизсинлар – мен сиздан ажралмайман. Барибир, сиз билан бирга кетаман. Тоққами, боққа, менга, барибир, кетаман дедимми, кетаман** (Н.Ҳошимов. “Ёввойи келин”).

2. **Ит хуради – карвон ўтади. Мен айтганим бўлади** (А.Қаҳҳор).

4) натижа мазмуни: – **Сарвар, биласизми, у ўз дунёси билан банд эди. У шунчалик берилиб термилди, сойнинг ўртасида сув ичаётган отнинг пишиллаганини ҳам сезмади** (Н.Ҳошимов).

5) сабаб мазмуни: – **Сув совуқ экан, тишларим зирқираб кетди. Бўлди энди мен бошиқа сувга кирмайман. Кетамиз. Бўлди, бўлди** (А.Мухтор).

6) ўхшатиш мазмуни: – **Мана бўлар экан-ку! “Сув келди – нур келди” деб ўтирмаса ҳам, бўлар экан-ку! Шошилинг, қуруқ қолманг! Тезроқ, тез бўлинг** (А.Қаҳҳор).

7) изоҳлов мазмуни:

1. – **Ҳа, яхши. Ҳозирданоқ кўриниб турибди: сиз дангасалик, айёрликни билмайдиган йигитга ўхшайсиз** (А.Қаҳҳор).

2. – **Фақат шу эсимда: эртаси куни кўзини очаётганда ёнида Собиржон йўқ эди** (А.Мухтор).

Полипредикатив бирликлар мавзусига бағишланган илмий манбаларда муаммонинг турли томонлари таҳлил этилган бўлса-да, бу ўринда тадқиқи давом эттирилиши лозим бўлган жиҳатлар ҳам мавжуд.

Мустақиллик даври ўзбек тилшунослигининг субстанциал йўналишида бир эгали, лекин бирдан ортик кесимли гап полипредикатив бирлик деб талқин қилинади. Чунки ҳар бир кесимда шахс-сон, замон, тасдиқ-инкор, модаллик, майл (кесимлик) маънолари мавжуддир. Дарҳақиқат, бу ҳолат семантик нуқтаи назардан уларнинг ҳар бирида алоҳида ахборот мавжудлигидан далолат беради. Полипредикатив бирлик таркибига кирувчи содда гап орасида тенг ёки тобе синтактик алоқа мавжуд бўлади. Тенг таркибли полипредикатив бирликларнинг таркибида учровчи кесимларнинг феъл шакллари билан ифодаланиши масаласида ҳам мавзуга алоқадор маълумотларни учратиш мумкин. Англашиладики, текширувчиларнинг сифатдош кесимга қарашлари, асосан, икки хил. Бу кесим сифатдошнинг номланиши билан боғлиқ. Лекин баъзи олимлар уни номламай ўрганадилар. Профессор А. Гуломов сифатдошни *от кесимлар* қаторида санамайди. Лекин “от кесим” баҳсида сифатдош кесим ҳам берилди. Сифатдош кесимни А.Н.Кононов, В.В.Решетов, И.Расуловлар *феъл кесим* баҳсида ўрганадилар. А.Ҳожиев “-ган”ли сифатдош шаклини ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан *ўқиганман, ўқигансан* каби шакллар феъл кесим ҳисобланади, деб баҳолайди.

Сифатдош кесимнинг хусусиятларини ёритишда унинг семантикаси, инкор аспекти, тусланиш системаси ва қатор грамматик категорияларга эга бўлиши ҳолатини эътиборга

олиш зарур, деб ўйлаймиз. Сифатдош кесим от кесимлар каби *йўқ* ва *эмас* сўзлари билан бирикиб, инкорнинг аналитик шаклини ҳосил қилади. Инкорнинг бундай ифодаланиши, кўп ҳолларда, “-ган”ли шакл билан боғлиқ. Мисолларга мурожаат қиламиз: 1. – *Кўнгли ўлсин, юмшаган вақтини кўрганим йўқ* (Чўлпон. “Кеча ва кундуз”). 2. – *Юз етмиш йил бўлган эмиш, ҳали ҳам бир гишти кўчгани йўқ* (Чўлпон. “Кеча ва кундуз”).

Кўринадики, биринчи мисолда адресантнинг ўз фикрига нисбатан ишонч муносабати билан бирга, таъкид маъноси ифодаланса, иккинчи гапда бу ҳолат биров ўзгача тарзда, яъни бунда инкор, натижа маъноларига урғу берилади. Бу тарздаги полипредикатив бирликларнинг моҳияти шундаки, унинг таркибий қисми саналмиш содда гап кесимининг ҳар бири мустақил шаклланган бўлиб, уларни осонгина алоҳида содда гапга айлантириш мумкин. Бу хил шаклдаги гаплар “Ўзбек тили грамматикаси”да боғловчисиз полипредикатив бирликлар сарлавҳаси билан ўрганилса, ўзбек тилининг формал-функционал тадқиқида тенг таркибли полипредикатив бирлик кўринишида тадқиқ этилади. Тенг таркибли полипредикатив бирликларни ташкил этувчи содда гаплар орасида турли маъновий муносабатлар мавжудлиги кўринади. Айрим маънолар прагматик вазият асосида юзага чиқса, баъзан гаплараро муносабатлардан янги прагматик мазмун намоён бўлади. Айрим мисоллар келтирамиз: 1. *Ўзига яраша давлати, савдо-сотиги бор одамларни жин ҳам ургани йўқ-ку, қайта, молларнинг нархи ошиб, бири беш бўлди* (Чўлпон. “Кеча ва кундуз”). 2. *Мана, мен ҳам биттага “қаноат” қилиб ўтаётирман-ку, ҳой-ҳавасларим қолиб кетаётгани йўқ.* (Чўлпон. “Кеча ва кундуз”).

Мисоллардаги қайд этилган қўшилма аввал фикр юритилган иш-ҳаракатнинг инкор маъносини билдиради ва инкорнинг таъкид маъноси ҳам сезилади. Бунда таъкид маъноси гаплараро муносабатлардан эмас, умуман, матн мазмунига боғлиқ равишда намоён бўлган.

Манбаларда тенг таркибли полипредикатив бирликларнинг умумий хусусиятларидан бири сифатида уларнинг мустақил содда гап сифатида қўллана оладиган бирдан ортик гапнинг нутқда маълум бир боғловчи восита билан ўзаро боғланиши ва битта тугал оҳангга, битта гап тўхтамига эга бўлиши эътироф этилади. 1. *Қиз куймади, айвоннинг ёнгинасига келиб тўхтади, тик тургани ҳолда гапирди* (Чўлпон. “Кеча ва кундуз”). 2. *Қурвонбиби бу сўзларга тушунмаганлигидан эрини сайратиб қўйди, бундан ўзи сал ўтмай, зерика бошлади* (Чўлпон. “Кеча ва кундуз”). 3. *Мингбоши шу жойнинг ўзида Мирёқубга бўлган эътимини кўрсатди, унинг елкасига уриб-уриб қўйди* (Чўлпон. “Кеча ва кундуз”).

Келтирилган мисолларнинг ҳар биридаги компонентларни алоҳида мустақил қўлланила оладиган содда гапларга ажратиш мумкин. Шунингдек, мазкур гаплар билан ҳаракатнинг бажарилиш ҳолати, сабаб-оқибат, натижа каби объектив “парча” (акт)лари “лисоний” муносабатлар кўринишини олади. Кўринадики, мазкур полипредикатив бирликларнинг алоҳида қисмлари бўлган содда гапларни ҳаракатнинг бошланиш пайти, давомийлиги каби прагматик маъно нозикликлари боғлаб турибди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, диалогик дискурса учрайдиган тенг муносабатли полипредикатив бирликлар ҳам, худди муаллиф нутқида учрайдиган полипредикатив бирликлар каби, икки унсур – тенг боғловчи ва оҳанг орқали бирикади. Диалогик дискурсада учрайдиган тенг муносабатли полипредикатив бирликлар адресант томонидан кўзда тутилган мақсадга (дарак, сўроқ, буйруқ мазмуни) ва эмоционалликка мос бўлади. Аммо муаллиф нутқида буйруқ ва сўроқ мазмунини ифодаловчи полипредикатив бирликлар учрамайди. Бу дискурс мазмун моҳияти билан боғлиқ равишда намоён бўлувчи, нолисоний факторлар асосида юзага чиқувчи ўзига хосликлар ҳисобланади. Шу асосда диалогик дискурсни тенг таркибли полипредикатив бирликлар лисоний моҳиятини модификация қилувчи ўзига хос прагматик муҳит сифатида баҳолаш мумкин.